

Бу девор деярли кирк йил дунёнинг икки хил сиёсати орасидаги чегара, совук уруш рамзи бўлиб келди. Бундан йигирма уч йил мукаддам Берлин деворининг кулатилиши бўйича барча хужжатлар имзоланган кузнинг илик кунларида минглаб одамлар оддий болгалар ёрдамида деворни кулатаётган техника воситаларига кўзларида ёш билан ёрдам берган эдилар. Бугун машхурлиги жихатидан ўз вақтида Буюк Хитой Деворидан ҳеч ҳам қолишмаган бу деворнинг маълум қисмлари тарихий ёдгорлик сифатида сақланиб қолган, ҳолос.

Берлин девори қурилган 1961 йилнинг августига қадар Шарқий ва Ғарбий Берлин ўртасидаги 45 километрлик чегара факат оддий чизик шаклида бўлиб, у кўчалар, уйлар, каналлар орқали ўтарди. Расман 81 та назорат пунктлари ишлаб турар, бундан ташқари юзлаб ноқонуний ўтиш йўллари мавжуд эди. 1948 йилдаги қелишув асосида белгиланган бу чегарадан қунига уч юз мингдан беш юз минг нафаргача одам ўтиб қайтарди. Берлин девори қурилишига бу шаҳар атрофидаги сиёсий вазиятнинг кескинлашуви сабаб бўлди. Икки ҳарбий-сиёсий блок – НАТО ва Варшава шартномаси уюшмаси ўртасидаги зиддият қалтис вазиятни келтириб чиқараётганди.

1945 йилда Иккинчи Жаҳон уруши якуни ва Германия қаттиқликларидан сўнг Потсдамда имзоланган қелишувга кўра Германия ҳудуди йирик давлатлар назоратида бўладиган бир неча секторга бўлиб ташланганди. Германиянинг шарқий қисми Германия Демократик Республикаси (ГДР), Ғарбий қисми эса Германия Федератив Республикаси (ГФР) деб юритила бошланди. Лекин бу икки давлатни, айниқса ГДРни қўпчилик тан олмади. 1957 йилда Конрад Аденауэр бошлик ГФР ҳукумати «Хальштейн доктринаси»ни амалга киритди. Бу доктрина ГДРни тан олган ҳар қандай давлат билан дипломатик алоқаларни автоматик равишда узишни назарда тутар, Шарқий Германиянинг Шарқий ва Ғарбий Германия ўртасида немис давлатлари конфедерация тузиш таклифига кескин қарши чиқарди. 1958 йилда ўз навбатида ГДР ҳукумати ҳам ГФР суверенитетини шубҳа остига олиб, аслида ГФР ҳам ГДР ҳудудида жойлашганини «эслатиб» қўйди. Собик иттифок раҳбари Никита Хрушев бутун Берлинни (жумладан? Ғарбий Берлинни ҳам) ГДР пойтахти деб эълон қилди. Бу давлатлар ўртасидаги зиддиятнинг янада кескинлашувига сабаб бўлди. 1959 йилда бўлиб ўтган ташқи ишлар вазирлари ўртасида Берлин масаласини ҳал қилишга мўлжалланган учрашув ҳеч қандай ижобий натижа бермади.

1960 йилда ГДР ҳукумати «Ғарб пропагандасининг олдини олиш» шиори остида Шарқий Берлинга ўтишда чекловлар жорий қилди. Бунга жавобан Ғарбий Германия Шарқий Германия томонидан «иктисодий уруш» дея баҳоланган чорани қўллади – томонлар ўртасидаги савдо алоқаларини бекор қилди.

Бу икки томон ва уларнинг ортидан қўллаб турган икки блок ҳарбий салоҳиятни қучайтиришга ва қарши томонни қамситишга қаратилган пропагандага зўр бердилар. ГДР ҳукумати ГФРни чегараларни провакацион равишда бузиш (1961 йилнинг май-июль ойларида 137 марта) ва ГФР агентларини ГДРда ўнлаб иш ташлаш ва тартибсизликларни уюштиришда айблади. Вазият 1961 йилнинг ёзида янада

кескинлашди. ГДР етакчиси Вальтер Ульбрихт томонидан қўлланган, «ГФР иктисодига етиб олиш ва ортда колдириш»ни кўзлаган иктисодий сиёсат мажбурий жамоа тизимига ўтишга, иш вақти ва режалар хажмининг ортишига сабаб бўлди. ГФРдаги кулай иктисодий ахвол, иш ҳаklarининг баландлиги минглаб шарқликларни ўзига оҳанрабодек тортарди.

1961 йилда 207 минг нафар, шу йил июль ойининг ўзидаёқ 30 минг нафар Шаркий Берлин аҳолиси Гарбга кочиб ўтиб кетди. Булар асосан ёш ва малакали мутахассислар эди. Шарк Гарбни «одам савдоси»да айблади ва ҳар йили мутахассисларни йўқотиш туфайли 2,5 млрд. марка зарар қўрилаётганини таъкидлади.

1961 йилнинг 3 августида Москвада бўлиб ўтган Варшава шартномаси уюшмаси аъзолари йигилишида чегарани ёпишга келишилди.

1961 йилнинг 13 августи, тунги соат бирда «Хитой девори II» операцияси бошланди. 25 минг кишидан иборат ҳарбийлашган гуруҳ чегара чизигини эгаллади. Уларнинг ҳаракатларини Шаркий Германия қўшинлари химоялаб туришди. Совет армияси жанговар ҳолатга кирди. Тунги соат 1 дан 11 дақиқа ўтганида ГДР ахборот агентлиги чегарани ёпиш тўғрисидаги қарорни эълон қилди. Эрталаб чегарага борганлар ўтолмай тўплана бошладилар.

15 августда операциянинг иккинчи босқичи бошланди. Аскарлар ва қурувчилар чегарачилар назорат остида олдиндан тайёрлаб қўйилган бетон блокларни олиб келиб, чегара чизиги устидан тиклашга киришдилар – Берлин девори қурилишига старт берилди. Айни шу дақиқаларда 19 ёшли чегарачи Конрад Шуманн блоклар устидан сакраб ўтди ва расман Берлин деворидан ошиб ўтган биринчи қочок сифатида тарихда қолди. Деворнинг баландлиги 6 метрни ташкил қилди ва у ўта пишиқ бетон қоришмасидан қурилди. Девор ёнида ўзига хос «ўлим чегараси» белгиланди ва қимки унга яқинлашса чегарачилар томонидан отиб ташланиши эълон қилинди. 17 августда 18 ёшли қурувчи Петер Фехтер девордан ошишга уринаётганда отиб ташланди ва бу ҳаракат чоғида ҳалок бўлган биринчи қурбонга айланди. Берлин девори қулатилганига қадар шу тарзда девордан ошишга уринган 92 киши ҳалок бўлди, қўплаб кишилар яраландилар. Кейинчалик, девор қулаб, икки Германия бирлашганидан сўнг одамлар томонидан яратилган девордан ўтишнинг антика воситаларидан иборат музей ҳам ташкил қилинди. Девор совук урушнинг совук рамзи бўлиш билан биргаликда Берлиннинг энг диққатга сазовор жойи бўлиб қолди. Берлинга келган саёҳатчи борки, бу деворни кўрмай кетмасди. Гарбий қисмда эса «Девор қулатиши шарт» деган миллионлаб оқритқалар сотиларди.

1961 йилнинг 28 октябрида Берлиндаги АКШ ҳарбийлари деворни бузиш режасини ишлаб чиқишди. Собик Иттифок разведкаси ўз вақтида бу режадан хабар топди.

Ўша куни Бранденбург дарвозаларидаги назорат пунктига америка зирхли ҳарбий техникасидан иборат колонна яқинлаша бошлади. Дастлаб учта «Жип», уларнинг ортидан бульдозерлар, энг орқада ўнта танк келарди. «Жип»лар ўтиши билан ён атрофдан совет танклари чиқиб келди ва бульдозерлар йўлини тўсиб қўйди. Совет ва

АКШ танклари туни билан бир-бирларини мўлжалга олиб турди. Бу ҳолат кейинчалик икки давлат ўтасидаги совуқ урушнинг кўринишларидан бири бўлиб қолди. Эрталаб Москвадан ўт очмаслик ва ортга қайтиш ҳақида буйруқ келди ва ҳар икки томон ортга чекинди. Деярли 40 йил Берлин девор атрофида тинимсиз музокаралар бўлиб турди. 1989 йилнинг 9 ноябига келибгина бу девор қулатилди ва ГДР ва ГФР ягона Германия давлатига бирлашди.